

## Жараён

### ИҚТИСОДИЁТ 2001 ЙИЛДА

14 феврал куни Вазирлар  
Маҳкамасининг 2001 йил якунларига  
бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

#### ИҚТИБОС

«... 2001 йил иқтисодийтимизда, бутун жамиятимизда ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган изчил тadbирларимизни жорий этишда муҳим босқич ва уларнинг мантикий давоми бўлди, десак хато қилмаймиз».

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

#### ЮТУҚЛАР

\*Яли ички маҳсулот 4.5 фоиз ўсди.

\*Саноат ишлаб чиқариши 8.1 фоиз ўсди.

\*Қишлоқ хўжалигида маҳсулот тайёрлаш 4.5 фоиз ошди.

\*Аҳолининг реал даромадлари 16.5 фоиз ўсди.

#### МУАММО

2001 йилда иқтисодийтимизга жалб этилган хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажмидан фақат 13.4 фоизини бевосита амалга оширилди.

#### МУҚОЯСА

Хорижий давлатларда хусусий тармоқнинг яли ички маҳсулотдаги улуши 50-60 фоиз, меҳнат билан банд аҳолининг 65-70 фоизи хусусий тармоқда банд.

Ўзбекистонда хусусий секторнинг ЯИМдаги улуши 35 фоиз, аҳолини иш билан таъминлашдаги ҳиссаси 30 фоиз ҳолос.

#### ИСТИҚБОЛ

«...Ҳаётимизнинг барча соҳа ва жабҳаларини демократик қадриятлар ва талаблар асосида модернизациялаштириш – янгиланиш борасидаги ҳаракатларимизни бош йўлимиз, деб қабул қилишимиз ва қатъият билан давом эттиришимиз зарур».

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Ш.АКРОМОВ фотоси

## Шодуёна

### АЙЁМИНГИЗ ҚУТЛУФ БЎЛСИН!

Зул-ҳижжа ойининг биринчи ўн кунлиги йилнинг энг улуғ кунларидан ҳисобланади. Бу кунларда Ийд Қурбон ҳайити нишонланиши билан бирга мусулмонлар ҳаж ибодатини ҳам адо этадилар. Бу йилги Қурбон ҳайитининг кунларнинг саййиди, мискинларнинг ҳажи бўлган жума кунига тўғри келиши нур устига нур, фазилат устига фазилат бўлди. Агар ҳаж ибодатининг Арофатда туришлик аркони жума кунига тўғри келса бу ҳаж ҳажжул акбар ҳисобланар ва ҳожилар эса ҳажжул акбарлар саналар эди. Бу ибодатнинг акбар даражада бўлиши, яъни жума кунига тўғри келиши бундан 3 йил аввал кузатилган эди. Демак, бу ҳолат тез-тез бўлиб туриши мумкин.

Қурбон ҳайити кунда биз авваламбор тонг саҳардан ҳайит намозини адо этамиз. Сўнгра уйга қайтиб қурбонлик учун атаган жонлиқларимизни сўямиз. Бу кунни мана шундай бошлаш динимиз суннатларидан ҳисобланади. Шундан сўнг қариндош-уруғ, кўни-қўшинларимизни қиқиб уларни байрам билан қутлаб, биргаликда яна ҳам кут-барак, ризқ-рўзимизнинг кўпайишини сўраб дуолар қилинади. Бу куннинг савобга дохил яна бир амали шуки, маҳалла-қўйдаги беморлар, қарияларни бориб кўрмоқликдир. Бундай шикаста кўнгил инсонларнинг қалбларига байрам шукуҳи ва қувонч солишдан ортиқ савоб йўқ.

Не бахтки, бугунги кунда бебаҳо давлатимиз бўлган

Абдухалиқ ТАШАНОВ,  
Имом ал-Бухорий номидаги  
Тошкент Ислом олий  
Маъҳади мударриси

## УШБУ СОНДА:

«Қадримга  
йиглайман!...»

2

Сойга  
оқаётган  
сув

3

Адолат  
— давлат  
устуни

4-5

«Қора  
олтин»  
қудрати

6

Пакана-  
нинг  
ошиқ  
кўнгли

7

Агар  
тўғри  
бўлсанг...


8

## Дараклар

### ҒАЗО СЕКТОРИДА F-16 САМОЛЁТЛАРИ

Исроилнинг F-16 русумли самолётлари Иордан дарёсининг гарбий қирғоғида жойлашган Фаластин хавфсизлик кучлари объектларини бомбардимон қилди. Бу фаластинлик кўпуровчилар тўрт исроилликни ҳалок этганидан сўнг бир неча соат ўтган содир бўлди.

Фаластин вакилларининг хабар қилишича, бомбардимон оқибатида Рамаллоҳдаги полиция участкаси биноси вайрон қилинган. Рафах шаҳридаги Фаластин хавфсизлик кучлари биносига шикаст етказилган. Олдиндан кўрилган эҳтиёт чораларига қарамай, бир фаластинлик яраланган.



### РОССИЯ ҲУКУМАТИДА ЎЗГАРИШ

В.Путин фармонига биноян ўтган душанба куни И.Клебанов Россия Бош вазирининг ўринбосари лавозимидан олинди. Энди у ҳукуматда Саноат, фан ва технологиялар вазирлигини бошқаради. Шунингдек, Ҳарбий саноат мажмуасини ҳам назорат қилишни давом эттиради. Темирйўл, Атом энергетикаси, Алоқа вазирликлари фаолиятини энди Бош вазир М.Касьянов назорат қилади.

И.Клебановнинг Бош вазир ўринбосари лавозимидан олинishi «Курек» сувости кемаси ҳалокатининг асл сабаби ҳақида Россия Бош Прокурори В.Устиновнинг баёнотидан сўнг рўй бергани аҳамиятлидир.




### ЯПОНИЯ — АҚШ ИТТИФОҚЧИСИ



АҚШ президенти Жорж Буш Япония ва Америка иттифоқи Осие-Тинч уммони минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлашда асос бўлади, деди. У Япония иқтисодийтининг мавжуд инқироздан тезроқ чиқиши нафақат ушбу мамлакат,

балки минтақа ва бутун дунё учун ҳам муҳимдир, деган фикрда. Ж.Буш бу борада Япония Бош вазирини Дзюньтиро Коидзуми режаларини қўллаб-қувватлади.

### АХБОРОТ ОЛИШ МУРАККАБЛАШМОҚДА



АҚШ илмий ахборот тарқалишини чеклашга интиляпти. Оқ уй олимлардан террорчилар фойдаланиши мумкин бўлган ахборотларни кенг омма учун қўлламасликни кўнгилли равишда амалга оширишини сўраёттир. Хусусан, Америка Микробиология

## Тақдимот

### БАРЧА МИЛЛАТЛАР ҚУДРАТИ

Куни кеча БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасида «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. Асосий омиллар» маълумотлар мажмуининг тақдимот маросими бўлди. Ушбу китоб француз, инглиз ва испан тилларида бир неча бор нашр қилинган. Унинг ўзбек тилидаги нусхаси БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан тайёрланди.

Китоб кенг доирадаги ўқувчиларни БМТнинг миссияси ва мақсадлари, унинг тузилмалари, ихтисослаштирилган муассасалари ва дастурлари билан таништиради. Шунингдек, жаҳондаги одамлар турмуш шароитини яхшилаш билан шуғулланаётган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ташвишлари, муаммолари ва аниқ саъй-ҳаракатларнинг ёрқин манзарасини ўзида акс эттиради. Китобдан ўрин олган БМТнинг халқаро тинчлик ва хавфсизлик, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт, инсон ҳуқуқлари ва халқаро ҳуқуқ соҳаларига бағишланган алоҳида боблари мазкур халқаро ташкилот фаолиятининг кўп қиррали эканлигини яна бир бор исботлайди.



**Мактуб**

# “ҚАДРИМГА ЙИГЛАЙМАН!”

Инсон шаъни, кадр-қиммати ўйинчоқ эмас. Унга нисбатан енгил-елпи муносабатда бўлиш ҳуқуқи ҳеч кимга берилмаган. Жумладан, Пешку туман суд тиббий экспертиза бўлими бошлиғи Жамил Муродовга ҳам...

Эътирозим шундаки, вилоят ҳуқуқ тартибот органи ходимлари ўз ваколати доирасидан четга чиқиб, фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларига атай маънавий зиён етказиб, уларнинг шаънини ерга уриб ҳақорат қилган Ж.Муродовнинг қилмишларига яраша жазолашда ўзларида етарли куч ва имконият топа олмаптилар. Бу эса ўз навбатида менинг ва оила аъзоларимизнинг ички ишлар бўлими мутасаддиларига бўлган ИШОНЧИМИЗНИ сусайтирмакда. Шу боис ҳам матбуотнинг таъсирчан кучига ишонганим сабабли газетангиздан ўз ҳуқуқимни тиклаш учун кўмак сўрашга мажбур бўлдим. Агар туман, вилоят ҳуқуқ тартибот ходимлари “дардимни” одилона, қонунларга таяниб ҳал этганларида эди, мен Сизларга мактуб йўллаб, овора қилмаган бўлар эдим.

Бир донишманд: “Қорнимга эмас, кадримга йиғлайман” деган экан. ...Гап шундаки, 2001 йилнинг май ойидан бошлаб номаълум эркак киши ишхонамга (туман “Маънавият ва маърифат” марказига) телефон қилиб, тинчимни бузиб, асабимга тегиб кўпол сўзлар билан мени ҳақорат қилиб келмоқда. 2001 йил ноябрь ойигача 6 марта ана шундай ҳақоратли телефон кўнги-роғи бўлди. Охири, мен чидай олмай туман электр алоқа бўлимига бориб, у ердан ишхонамга бўлган телефон кўнгироқлари рўйхатини компьютердан чиқариб олдим. Маълум бўлишича, менга бўлган ҳақоратли кўнгироқлар “муаллифи” суд тиббий экспертиза бошлиғи Жамил Муродов экан. Мен у кишига телефон қилиб, нима сабабдан ҳеч бир асосиз мени ҳақорат қилаётганининг сабабини сўраганимда дастлаб у мен билан гаплашишни хохламади. Мен унга бу қилмиши учун туман ҳокимига, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига, туман ички ишлар бўлимига шикоят қиламан, деганимдан сўнг Ж.Муродов экан. “Кўлингиздан ҳеч нарса келмайди” деди. Шу гап-сўзлардан сўнг мен 2001 йил 11 декабрда туман ички ишлар бўлими бошлиғи С.Султоновга ва вилоят суд тиббий экспертиза бюроси бошлиғи А.Ортиқовга ариза ёзиб бордим. Орадан кўп ўтмай туман ички ишлар бўлими бошлиғи С.Султонов ва участка нозири Р.Йўлдошев воқеа тафсилотларини номмагина ўрганиб: “...Ж.Муродовнинг ҳаракатида жиноят аломатлари йўқлиги сабабли ушбу ҳолат бўйича тўпланган ҳужжатлар юзасидан жиноят иши кўзга таш рад этилди” деган хулосага келишди. Табиийки, уларнинг бу “уйин”лари мени қаноатлантирмади. Негаки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида, Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги қонуннинг 41, 183-моддалари, шунингдек, Жиноят Кодексининг 277-моддасида ёзилган таърифга кўра жамоат жойларида, хизмат вази-фасини бажариб турганда ҳақорат қилиш жиноят ҳисобланади. Пешку туман ички ишлар бўлимидагилар аризамни ҳолисона ўрганмай қонунга хилоф равишда адолатсизлик қилганларидан норози бўлиб, Ж.Муродовнинг қонунбузарлик аломатларини (гувоҳларнинг тушунтириш хатлари, телефон кўнгироқлари бўлган вақт ҳақида маълумотлар рўйхати) тасдиқловчи ҳужжатларни илова этиб, 2001 йил 27 декабрь куни Бухоро вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Т.Муллажонов номига ариза ёзиб топширдим. Аммо таассуфки, орадан бир ой ўтса-да, аризамга жавоб олганим йўқ.

Хуллас, гапирман десам гап кўп, фактлар ҳам бисёр... Менга алам қилган томони шундаки, ҳаётни тушу-нган, қонунчилик соҳасидаги Олий мактабни ўқиб тугатган ҳуқуқшунослар, бошқача қилиб айтганда, халқнинг ишонган оқсоқоллари, қонунни ҳимоя қилувчи, уни биринчи навбатда ҳурмат қилиши керак бўлган маъсул шахслар унга риоя этмасалар, қонунни яхши билмасалар оддий фуқародан нимани кутиш мумкин?!

Рашид АСЛОНОВ,  
Пешку туман  
“Маънавият ва маърифат” бўлими раҳбари

**Фаолият**

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар тобора кенг кўлам касб этиб бормоқда. Кишиларнинг онги, турмуш даражаси замон билан қадам бақадам юксалаётир. Бугунги кунда сугурта, лизинг, санация, акция каби иқтисодий терминларни эшитмаган, буларни тушунмайдиган кишини кам топасиз. Сабаби — ҳар куни, ҳар соатда кишиларимиз бундай жараёнлар билан юзма-юз келмоқда. Ортдошларимиз тафаккурида улкан ўзгаришлар содир бўлмоқда.

“Ўзагросугурта” давлат акциядор-

— “Мевасабзавот” уюшмаси бўйича битта, “Гўштсутсаноатсотиш” уюшмаси бўйича эса олтита тайёрлов ташкилотларининг тўлов қобилияти ўрганиб чиқилди, — дейди “Ўзагросугурта” ДАСК Самарқанд вилояти дирекцияси директори Ф.Фазлиев биз билан суҳбатда. — Тўлов қобилиятига эга бўлган тайёрлов ташкилотлари билан 2001 йил учун тузилган шартномалар бўйича Нарпай тумани Агросугурта бўлими билан “Саломатлик” (“Оқтошсут”) ташкилоти ўртасида

тузилди. Утган йил сув тақчиллиги туфайли қишлоқ хўжалик корхоналари ҳар йилгига нисбатан камроқ ҳосил олгани сир эмас. Шу боисдан сугурта шартномалари тузган қишлоқ хўжалик корхоналарига ва деҳқон-фермер хўжалиқларига ўз вақтида сугурта қопламалари тўланди. Мисол тариқасида оладиган бўлсак, 2001 йилда ғалла аванси бўйича 15 миллион сўмлик, ғалла ҳосили ихтиёрий сугуртаси бўйича 124 миллион 76 минг сўмлик, пахта ҳосили ихтиёрий сугуртаси бўйича

# СУГУРТА — КАФОЛАТ МЕЗОНИ

лик сугурта компаниясининг Самарқанд вилояти дирекцияси аҳолига, хўжаликларга ҳамқору ҳаммаслак ташкилотга айланиб қолган. Мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш, улар билан тузилган шартномаларга асосан мажбуриятларни ўз вақтида бажариш дирекция ходимларининг бош мақсади-дир.

**“Ўзагросугурта” давлат акциядорлик сугурта компаниясининг Самарқанд вилояти дирекцияси аҳолига, хўжаликларга ҳамқору ҳаммаслак ташкилотга айланиб қолган.**

Утган йил натижаларини таҳлил этганимизда дирекция фаолияти нечоғли самарали бўлгани янада ойдинлашди. Рақамларга эътибор берайлик: йиллик режа 252506,3 минг сўм бўлгани ҳолда у 329580,6 минг сўмга ёхуд 130,5 фоизга бажарилди. Жумладан, жами ихтиёрий сугурта тушумлари режаси 142,4 фоизга уддаланди. Мажбурий сугурта тушумлари 122,5 фоизга ошириб бажарилди.

“Ўзагросугурта” ДАСК Самарқанд вилояти дирекцияси ходимлари “Сугурта тўғрисида”ги қонунни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида аҳоли ўртасида мунтазам равишда тушунтириш ишлари олиб бормоқда. Натижада ўтган йилда вилоят аҳолисининг мол-мулки, ҳаёти ва саломатлиги сугуртаси бўйича 1 миллион 182 минг 365 та ихтиёрий шартнома имзоланди, сугуртанинг ихтиёрий ва мажбурий турлари бўйича 329580,6 минг сўмлик бадаллар туширишга эришилди, миқозларга 163694,0 минг сўм сугурта қопламаси тўланди.

Вазирлар Маҳкамасининг “Мевасабзавот маҳсулотлари, сут ва чорва маҳсулотлари харид қилишга шартномалар бўйича ҳисоб-китоблар ўз вақтида қилиниши учун жавобгарликни сугурта қилиш тўғрисида”ги қарорини бажариш борасида ҳам талайгина ишлар амалга оширилмоқда.

тузилган икки шартнома бўйича 800 минг сўмлик сугурта жавобгарлиги олиниб, 8,0 минг сўм сугурта бадали, Булунгур тумани Агросугурта бўлими билан “Булунгурсут” ташкилоти ўртасида иккита шартнома тузилиб, 1042,5 минг сўмлик сугурта жавобгарлиги бўйича 10,4 минг сўм сугурта бадали олинди.

2001 йилда дон етиштирувчиларга аванс тариқасида берилган маблағларни сугурталаш бўйича 3186 шартнома тузилиб, 1789,4 миллион сўмлик аванс сугурта-

ланди. Пахта етиштириш учун аванс тариқасида берилган маблағларни сугурталаш бўйича 2120 та шартнома тузилиб, 2 миллиард 96 миллион 300 минг сўм аванс маблағлари ҳам амалдаги қонунчилик бўйича сугурталанди.

Табиийки, қишлоқ хўжалик корхоналари, деҳқон-фермер хўжаликлари мол-мулки ва экинлари ҳосилини их-

тиёрий сугуртага тортиб, уларни сугуртавий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор бериш дирекциянинг бош вази-фаларидан ҳисобланади. Шу мақсадда ўтган йилда қишлоқ хўжалик корхоналари билан 290 та, деҳқон-фермер хўжаликлари билан эса 437 та ихтиёрий сугурта шартномаси

да содир бўлган табиий офатлар, қурғоқчилик ва сув тақчиллиги қишлоқ хўжалиги, деҳқон-фермер хўжалиқлари айниқса, вилоятнинг сув тақчил бўлган лалми ерларини, шунингдек, сув босиш ҳавфи юқори бўлган Зарафшон дарёси соҳилидаги хўжаликлар раҳбарларига сугурта ташкилотлари билан шартнома тузиш, қишлоқ хўжалик экинларини ихтиёрий сугурталаш зарурлигини ҳаётнинг ўзи яққол кўрсатмоқда. Афсуски, кўпгина хўжалик ва деҳқон-фермер хўжаликлари раҳбарлари сугурта ҳодисаси содир бўлгандан кейингина Агросугурта ташкилотларига мурожаат қилмоқдалар.

Тузилган шартнома асосида вақтида сугурта бадалларини тўла ўтказмаган айрим хўжаликлар мутасаддилари шартноманинг юридик кучга эга эмаслигидан беҳабарлиги кишини таажжублантиради. Бу эса табиий офат рўй берган тақдирда кўплаб англашил-мовчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Шундай экан, мол-мулк ва бошқа нарсаларни ўз вақтида сугурталаш аҳолига ҳам, хўжаликларга ҳам фақат фойда келтиради. Зеро сугурта — мол-мулкнинг кафолати мезонидир.

Утган йилларда содир бўлган табиий офатлар, қурғоқчилик ва сув тақчиллиги қишлоқ хўжалиги, деҳқон-фермер хўжалиқлари айниқса, вилоятнинг сув тақчил бўлган лалми ерларини, шунингдек, сув босиш ҳавфи юқори бўлган Зарафшон дарёси соҳилидаги хўжаликлар раҳбарларига сугурта ташкилотлари билан шартнома тузиш, қишлоқ хўжалик экинларини ихтиёрий сугурталаш зарурлигини ҳаётнинг ўзи яққол кўрсатмоқда. Афсуски, кўпгина хўжалик ва деҳқон-фермер хўжаликлари раҳбарлари сугурта ҳодисаси содир бўлгандан кейингина Агросугурта ташкилотларига мурожаат қилмоқдалар.

Убайдулла ХҲЖАНИЕЗОВ,  
“Хуррият” мухбири

**Мол-мулк ва бошқа нарсаларни ўз вақтида сугурталаш аҳолига ҳам, хўжаликларга ҳам фақат фойда келтиради.**

**Хушхабар**

# ТАҲРИРИЯТ ХАЙРИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизда таълим тизimini ислох қилишга қаратилган фармонлари, ҳукумат қарорлари, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг ҳаётга кенг татбиқ этилишида нафақат мутасадди ташкилотлар, балки мулк туридан қатъий назар бошқа бир қатор ташкилотлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газетаси таҳририяти ўтган йили охириги уч йилда сув танқислигига учраётган Қорақалпоғистон Республикасининг энг шимолида жойлашган Тахтақўпир туманидаги 6-ўрта мактаб ва Хоразм вилояти Қўшқўпир туманидаги 44-ўрта мактаб жамоалари билан ўзаро ҳамкорлик шартномасини тузиб, хайрли ишни бошлади. Ўзбекистон Республикаси

давлат мустақиллигининг мундан мактаблар кутуб-ўн йиллигига бағишланган тадбирлар ўтказилиб иккита тумандаги мустақиллик билан тенгдош 60 нафар ўқувчи тўла дарслик ва кийим-кечаклар билан таъминланди. Таҳририят то-

хонасида муаллифлар дастхати ёзилган бадий адабиётлар бурчаги ташкил қилинди. Бир неча таъриф буюриб, жами 3 тоннаю 600 килограмм озиқ-овқат маҳсулотини тантанали равишда топширишди.

**Саховат**

# БОЛАЖОНЛАРГА ТУҲФА

Сурхондарё вилоятидаги 12-болалар уйига Венгрия Республикасининг Меҳрибонлик хизмати бирлашмаси томонидан инсонпарварлик ёрдами келтирилди. Шу бирлашма вакили Ласло Тимра билан биргаликда Республика Фавқулодда вазиятлар вазирлигидан Ҳабибулла Эргашев, вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармасидан Абдусаттор Боймирзаев болалар уйига ташир буюриб, жами 3 тоннаю 600 килограмм озиқ-овқат маҳсулотини тантанали равишда топширишди.

Саховатпеша меҳмонлар март ойининг охирида юртимизга яна ташир буюришларини маълум қилдилар.

Нилуфар ПИРМАТОВА,  
“Хуррият” мухбири

Яқинда ҳомийликка олинган мактабларга таҳририят номидан “Ўзбекистон” нашриётида чоп этилган “XXI аср: истиқболимиз тимсоллари” китоблари тақдим этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиантлари, Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳиблари, халқаро олимпиада ғолибларининг ҳаёти ва ижодий фаолиятлари рангли фото-суратлар билан тасвирланган, ўнлаб ёшлар тўғрисида маълумотлар берилган.

Мактабларда шу муносабат билан ўтказилган тадбирларда сўзга чиққанлар бундай хайрия учун “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газетаси таҳририяти жамоасига миннатдорлик изҳор этиб, ҳомийликка олинган мактаб ўқувчиларида ижодкорликка интилиш ортиб бораётганини қайд этдилар.

Алтибой ИБОДУЛЛАЕВ



С.МАҲКАМОВ фотоси



**Мамбуом**

“Хуррият”нинг аввалги сонларидан бирида “Газет мени ишонтир” номли мақоладан сўнг анчадан бери ййгилиб қолган “дард”ларимни ёзишга фурсат сездим. Тўғри, бугун замон чархпалаги тез айланиб турган паллада ҳар ким шароит зайлига мослашишга ҳаракат қилади. Аммо ҳар нарсада ҳам меъёр, назорат, фаросат деган нарсаларнинг бўлгани дуруст. Минг-минглаб муштарийлари бўлган, ўз “йўли”ни топиб олган газета ўз номини, жилла курси, газета ортида журналистик, журналистика дея аталмиш қутлуг соҳа турганлигини ҳис этишса ёмон бўлмасди. Яқинда “СТВ” телекомпаниясининг ҳафталик газеталаридан бири “Сўғдиёна”нинг (15.11.2001 йил сони) бир нусхаси қўлимга тушиб қолди. “Заковат ҳаммаша — ардоқда!” шиори остида асосан бошқотирмалар билан безатилган газетанинг саккизинчи саҳифасида хонанда Отабек Мадраҳимов билан берилган суҳбатни ўқиб, таажжубим ортди. Бор-йўғи иккита қайсидир фильмда суратга тушган хонандага “...лекин кейинги йилларда кўпгина (?) киноларда талайгина (?) образлар яратясиз?” ёки

# ИСМИГА МОС БЎЛСА!

санъаткор билан бўлаётган суҳбатда “Ҳозирги кунда санъат борасидаги фаолиятингиз қандай кечаяпти?” каби гализ саволлар берилгани ва айниқса, охирида суҳбатдоши қандай айтган бўлса шундай: “Мухлисларимга тилагим шуки, ҳаётда ўзларига керакли нарсага эришиб, бир умрга бахтли бўлишсинлар”, деган сўзларни ўқиб, ўзбек тилининг оддий грамматик меъёрларини билмаган журналистга ачиндим. Бу бир томони, иккинчидан, “Ахборот-дам олиш нашри” дея кўрсатилган “Сўғдиёна”дай интернет ва хорижий матбуотдан олинган олди-қочди хабарлардан бошқа ахборотни “қидириб” тополмадим. Шу баҳона бугун вилоятларда кўп нусхада чоп этилаётган “Эрудит”, “Мухлис”, “7x7” каби “дам олиш” газеталари билан қизиқиб қолдим. Турли

бошқотирмаларга қўйилган қимматбаҳо совғалар ва пул ютуқлари билан ўқувчиларини мафтун этаётган бу газеталарнинг мақсадини ҳеч тушуна олмадим. Аввало бошқотирмани ўқувчини зукколикка, топқирликка ва шу баҳона айрим билмаганларини билишга ёрдам берувчи, тафаккурини чархлайдиган нарса деб биламиз. Аммо бу газеталардаги бошқотирмалар ўта жўн саволлар ва қайтариқлардан нарига ўтолмаяпти. Улар биллиб-билмай кимларнидир (ҳали қойил қилиб қўйма-

ган актёр, хонандаларни) реклама қилишу маҳаллий шевадаги сўз ва ибораларини “ўргатиш”дан нари ўтолмаяптилар. Наҳотки бошқотирмага тўти турио сувни об (тожик тилида) ёки самолёт русумию илонни мор (тожик тилида) дейишдан бошқа нарсани киритиб бўлмайди?! Нашрларини Республика миқёсида минг-минглаб тарқатишни уддалаган ноширлар сал бўлса-да, газета мазмун-моҳиятига, мақсадига эътибор берадиган вақт аллақачон етди, назаримда.

Бухорода бўлганимда вилоятнинг “машҳур” газеталаридан бири “Хабарчи”ни ўқишни тавсия этишди. Олти мингдан ошқ нусхада, А-3 бичимда чоп этилаётган бу ҳафталик газетани кўздан кечириб ҳайратдан қотиб қолдим. “Хабарчи” масъулияти чекланган жамият муассисс дея кўрсатилган бу газетанинг биринчи саҳифаси афанди латифаларию мунажжим башорати билан “безатилган”, иккинчи, учинчи саҳифаларини ТВ дастурлари банд этган. Қолган барча бўш жойлар “Оила ва жамият” ва бошқа марказий газеталардан ҳамда рекордлар китобидан олинган кўчирмалар, таржималар билан тўлдирилган. Газетанинг сўнгги саҳифасида салкам икки йилдан бери ёзилиб келинган доимий изоҳ: “Ушбу сонда Ўзбекистон Республикаси ҳамда хориж мат-

буоти материалларидан фойдаланилди”, мустаҳкам ўрин олган. Ана сизга газетая ишбилармонлик! Суриштириб билсам, “Хабарчи”ни бир журналисту бир ҳисобчи чиқараркан, қойил-э! “Хабарчи”нинг ўнлаб сонларини варақлаб, унда на бирор ҳаётий муаммони ва на тахлилу танқиднинг соясини ҳам кўролмадим. Охирида “Хабарчи” деган сўзга “кўчирмачи”дан бошқа қофия тополмадим. Сўнгги пайтларда унчамунча камчилики назарга илмайдиган, “ха, ўтиш даврида бу ҳам керак” деган изоҳ билан кифояланадиган бўлиб қолдик. Лекин газета (ва журналист) бошқалардан бир қадам олдинда юриши лозим эмасми? Нашрлар ортида турган масъуллар бунни бир ўйлаб кўришса яхши бўларди. Қолаверса, газета учун гувоҳнома берадиган матбуот бошқармалари ҳам нашрларнинг фақат сон кўрсатиши эмас, сифат ўзгаришига ҳам эътибор беришса, ўзларига чиройли ном қўйган газеталаримиз номига яраша бўлса, Зеро, халқимиз “исми жисмига мос бўлсин” деб бежиз айтмаган.



Р.ЭГАМБЕРДИЕВ чизган.

САМАНДАР

**Сўймо**

Алишер Навоий ўзбек халқининг асрлар давомида шаклланган ақл-заковатини ўзида мужассам қилган, асарларида юксак бадий образларни ифодалаган мўтабар сиймодир. Унинг бой ижодий мероси беш юз йилдан кўпроқ давр мобайнида меҳр билан ўрганилиб, ҳар томонлама тадқиқ этилмоқда. Навоийшунослик фани бугунги кунда жаҳон миқёсида ривож топиб бормоқда. Навоийшунослик фақат адабиётшунослик эмас. Унинг маданий мероси тилшунос, тарихчи, файласуф, педагог, санъатшунос ва бошқалар томонидан севиб ўрганилади. Биргина адабиётшунослик соҳасини оладиган бўлсак, Ойбек, В. Абдуллаев, Ҳамид Сулаймон, И. Султонов, А. Қаюмов, М. Шайхзода, А. Ҳайитметов, И. Ҳаққулов ва бошқа олимларимизнинг тадқиқотлари навоийшуносликни тобора ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Мазкур олимларнинг кўплари Алишер Навоийнинг фалсафий қарашларини аниқлаганда диққат марказига унинг Одил Шох ҳақидаги фикрларини қўйганлар.

Аммо хатога уэр сўраш, кимга зулм ўтказган бўлса, уни адл қўли билан қувватлаш керак. Яхши қараш билан зулматни ёритиш, лутф билан оламни ўзига асир қилиб олиш лозим. Алишер Навоий ўз фалсафий идеалини Шох султон Ҳусайн Бойқаро тимсолида кўришни орзу қиларди. Маълумки, шоир бутун умри давомида Ҳусайн Бойқарога ҳамкор бўлиб, уни адолатпешаликка ундовчи кўч бўлди. Шундай қилиб, шоир айтганини амалга оширишда ўзи ҳам иштирокчи, бошқача қилиб айтганда, сўзи билан иши бир сиймо эди. Ана шундай эътиқоддан барқарорлик ҳар икки сиймо: шоир ва шох учун хос хусусият эди. Алишер Навоий Ҳусайн Бойқарога кўп ва хўп мисралар бағишлаган. Уларнинг барчасида Шохни улуғларкан, аввало, унинг адолатпарварлигини пеш қиларди. Агар Ҳусайн Бойқаро Навоий учун идеалнинг реал кўринишлардан бири бўлса, «Садди Искандарий» дostonидаги Искандар образи ўша ғояларнинг ҳам реал баёни, ҳам романтик умумлашмасидир. Навоий «Маҳбубул қулуб» каби фалсафий асарига адолатнинг назарий баёнини берса, бадий асарларида эса шох об-

шоир ҳаққоний тасвирлаган. Искандарнинг Доро билан учрашуви фалсафий аҳамиятга ҳам эга. Асарнинг аввалги бўлирида Искандар характерининг шахс сифатидаги белгилари намоён этилган бўлса, энди бу учрашувда унинг подшоҳ сифатидаги хулқ-атвори кўрсатилади. Искандар Бартос, Рус, Фаранг мамлакатларини ҳам эгаллайди. Эрон заминига подшоҳ бўлади. У Кашмир мамлакатини забт этгач, Ҳинд ва Чин шохлари ўз ихтиёрлари билан унга таслим бўладилар. Искандарнинг барча галабаларини тасвирлар экан, Навоий гоят объектив мавқеда турди. У жаҳонгир йўлига тушган ҳукмдорнинг зафарларидан шодланиш туйғусини намоён этмайди. Аммо подшоҳлар, мухолифат, урушларга шоирнинг муносабати аниқ эди. Навоий бундай «мухолифат»ни танқид қилади, подшоҳлар ўртасидаги душманликни қаттиқ қоралайди. Шоирнинг айтишича, бир-бирига дўст бўлган икки дарвеш, бир-бирига душман бўлган икки подшоҳдан афзалдир. Искандар бутун дунёни эгаллагач, денгиз сатҳи ва сотини эгаллаш қасдига тушади.

У дейди:  
**Жаҳонким бўлубтур мусаҳҳар манга,  
Анга ҳукмронлик  
муяссар манга.**

**Ани мулк этиб ҳақ  
мени мулкдор,  
Манга барча ишга  
бериб иқтидор.**

Бу фикрга Навоийнинг муносабати қуйидаги байтда ифодаланади:

# АДОЛАТНИ ҚЎЙЛАГАН ДАҲО

Алишер Навоий буюк мутафаккир сиймо эди. Унинг илмий, фалсафий, бадий меросида адолат мавзуи катта ўрин эгаллайди. Унинг барча асарлари орқали ижобий идеал тарзида гавдаланувчи инсон — мукамал мусулмон шахсидир. Ислоҳ динининг фалсафий моҳиятини чуқур билган ва иймон деб уни қабул қилган улуг шоир ҳаёт воқеаларини ёритганда худо нимаики ижобий деб қараган бўлса шунини мақтади. Ниманики ҳаром ёки гуноҳ деб билган бўлса, уни қоралади, танқид қилди. Адолат эса мусулмончилик фалсафасининг туб масаласи бўлиб, Оллоҳ мусулмонларга адолатга риоя қилишни буюрган. Бинобарин, Алишер Навоий ҳам ижобий қаҳрамонларини адолатпарвар шахслар, адолат учун курашчилар тарзида тасвирлайди. Унинг барча ижобий қаҳрамонларини жам қилиб ва фалсафий фикрларига таяниб, шоир идеалини аниқлашимиз мумкин. Алишер Навоий Темуру вафотидан сўнг катта империя бўлиниб кетган, темурийлар орасида тахт учун кураш авж олган даврда яшади ва одил шох ғоясини олға сурди. Унинг тушунчасида Шох бамисоли халқнинг отаси. Унинг тамжўрлиги халқнинг таяничи. Ва модомки, Шох улуг ҳуқуқларга эга экан, демек уни адл-инсоф билан ишлатмоғи лозим. Элу юртни бошқаришда адолат бош мезон бўлмоғи лозим. Алишер Навоий ўзининг одил Шох, унинг адолатпешалиги қандоқ бўлмоғи кераклигини фалсафий асарларида умумлаштирилган ҳолда баён этса, бадий ижодида ўша тушунчаларни тўла конкретлаштиради. «Ҳайратул аброр» — улуг шоирнинг фалсафий қому-си. У учинчи ҳайратда одил султон бошқараётган мамлакатда барқарор бўлган адолат, тартиб ва осудаликдан ҳўжанинг ҳайратда қолганини тасвирлайди. Навоий подшоҳ қасрида эл жонидан ип тортилган бозаклар, улус қони билан қизартирилган пештоқлар, эл масжидидан гишт келтириб, қабрлар тошини кўчириб келиб қурилган сароинга лаънатлар тошини ёғдиради, у ерларда базм қилаётган Сарой ахлига нафрат билан қарайди. Баъзида маст-аласт бўлиб қолган Шох ва унинг сипоҳлари эрталаб ўлжидай ухлаб ётганларини қаҳр билан ёзади. Шоир, подшоҳларни бундай адолатсиз ишларни тарк этишга, адл-инсоф, имон-ақл билан иш туттишга ундайди. Мусулмончилик фалсафасида ҳар қандай гуноҳни ювишининг биринчи қадами — тавба-тазаррудир. Албатта инсон хатосиз яшолмайди.

разини яратиб, шу назарий тушунчалар амалда қандай жорий этилишини конкрет шаклда кўрсатади. «Садди Искандарий»да эса унинг романтик идеал сифатида тавсифлайди. Умуман, «Хамса» дostonларидаги шох образларининг барчаси жам қилинса Навоийнинг одил шох идеали намоён бўлади. Садди Искандарийда Искандар ўрнатган подшолик Навоийнинг идеал шох ҳақидаги барча ғояларини ўзида тўла мужассамлаштиради. Искандар образи бу асарда тадрижий такомилда кўрсатилган. Навоийни чуқур ўрганган билимдонлардан бири Максуд Шайхзода эди. Олим қарийб ўттиз йил улуг мутафаккир ижоди устида ишлаб, 25 га яқин тадқиқот яратди. Уларда шоирнинг одил шох ҳақидаги қарашларига оид ўзининг кўп нодир фикрларини ёзиб қолдирди. Навоий ижоди шундай бир денгиз эканки, ундан ҳар ким ўз қосасига яраша баҳраманд бўлади. Максуд Шайхзода Навоий ҳақидаги ҳар бир илмий мақоласида улуг шоир ижоди ва ҳаётининг маълум нуқталарига ўзига хос муносабат билдиради. Бир ўринда олим ўқувчилар диққатини Навоий асарларидаги аёллар образининг ифодаланишига қаратади. Навоий асарларида аёллар фақат ташқи хусн билангина тасвирланмайдилар. Улар ўз ақл ва фаросатлари билан ҳам атрофларидаги кишиларни ҳайрон қолдирадилар. Уз даврининг буюк олими ва файласуфи бўлган Алишер Навоий подшоҳларнинг аёлларга нисбатан муносабатлари мисолида инсон фазилати ва нуқсонларини очиб беради. Унинг адолатпарварлиги биринчи навбатда лирик қаҳрамонининг ижтимоий масалаларни қандай тушуниши ва талқин қилишида ёрқин намоён бўлади. «Хамса»даги Искандар образи Алишер Навоийнинг подшоҳлар ҳақидаги фикрларининг бадий ифодасидир. Бу образ эволюциясини

**Ҳавас тунда боди чу бедол этар,  
Хирад хонумонини барбод этар.** Искандарнинг бу ўйлаган иши «хирад хонумонининг барбод бўлишидан» нишона эди. Шунинг учун шоир бу тадбирга ўз муносабатини эҳтиёткорлик билан билдириб боради. Жаҳонгирликнинг нима билан тугалланишини Навоий Искандарнинг ўлими картинасида очик кўрсатади. Дард хароратидан тинмай чолган Искандар бир қумлоқда йўқилади. Ер ниҳоятда қизиқ кетганлиги учун бир киши Искандарнинг қалқонини олиб, унга соябон қилади. Ер юзаси, баҳрлар ва сув остини забт этган жаҳондор қизган қумлоқда ёлғизликда бир қалқон соясида дунёдан ўтади. Шундай қилиб, «Садди Искандарий» дostonида Навоий Искандаршох подшоҳлигининг барча ижобий томонларини тасвирлади, унинг эл-халойиққа қилган эзгу ишларини алқайди. Аини замонда шоир Искандар характерининг салбий томонларини ҳам кўрсатди. Шу билан Искандар образининг реаллигини оширади, уни объективлик билан талқин этади. Ҳар авлод мумтоз устозларни ўз даври назари билан ўқийди. Алишер Навоийга қарашлар беш-олти аср давомида кўп марта ўзгарди. Энди истиқлол даври келиб, миллий маданиятимиз бутун тўлалигича ва холис баҳоланадиган бўлди. Навоийнинг одил шох ҳақидаги фалсафий ва бадий хулосалари ҳам ўз кадрини топди. Истиқлол мафқурасига Навоий фалсафаси назарий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Шунинг учун ҳам бугунги адолат фалсафаси ҳар қачонгидан ҳам долзарб ва қимматлидир.

Гулчехра ХУЖАНОВА,  
филологин фанлари номзоди

1

2

3



### ✓ **Хамкорлик**

Шу кунларда Кувайт халқи ўз миллий байрамини қирк биринчи бор катта шодлик билан нишонламоқда. Кувайт Ўзбекистон мустақиллигини араб мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб тан олган ҳамда Марказий Осиёда биринчи элчихонасини бизнинг юртимизда очган мамлакатдир. Конституциямиз қабул қилинганининг 9 йиллиги арафасида Кувайт давлатининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Валийд Аҳмад Муҳаммад Ал-Кандарий Юртбошимиз Ислам Каримовга ишонч ёрлигини топширди.

Давлат Арабистон ярим оролининг шимоли-шарқда жойлашган араб давлати. У шимол ва ғарбда Ироқ билан, ғарб ва жанубида Саудия Арабистони, шарқда эса Форс кўлиги билан чегараланади. Мамлакатнинг 17,8 минг квадрат километр майдонида 2 миллиондан зиёд аҳоли яшайди.

Кувайтда конституциявий монархия ҳукмрон. Амир давлат раҳбари ҳисобланади. Ҳозирда давлатни бошқараётган Амир — шайх Жобир Ал-Аҳмад Ал-Жобир Ас-Сабоҳ 1977 йилнинг 31 декабрида тахтга ўтирган. Амир мамлакат қуроли кучлари Бош қўмондон ҳам саналади.

1961 йилда қабул қилинган Кувайт Конституциясига биноан Амир ва 50 ноибдан ташкил топган Миллий мажлис-парламентни тарқатиб юбориш ваколатига эга. Миллий мажлисга охириги маротаба сайловлар 1999 йил июль ойида бўлиб ўтган. Амир ва вазирлар маҳкамаси мамлакатнинг ижроий ҳокимияти бўлиб, Амир Бош вазир ва унинг тавсиясига кўра вазирларни ҳам ўзи тайинлайди.

Кувайт Амири шайх Жо-

бир Ал-Аҳмад Ал-Жобир Ас-Сабоҳнинг 2001 йил 4 февралдаги фармонида кўра тахт вориси шайх Саъд Ал-Абдуллоҳ Ас-Салим Кувайт давлатининг Бош вазирлиги этиб қайта тайинланган.

Мамлакат ичидаги сиёсий вазият барқарорлиги билан ажралиб туради. Ҳукуматнинг ижтимоий соҳадаги сиёсати мамлакат аҳолиси ўртасида ҳеч қандай норозилик чиқмаслигига қаратилган. Мамлакат даромадининг катта қисми соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, уй-жой қурилиши, шаҳарларни ободонлаштириш каби ижтимоий соҳаларга сарфланиши боис ҳукуматнинг халқ орасидаги обрўи ошмоқда.

Кувайт иқтисоди ҳақида гап кетадиган бўлса, шунинг таъкидлаш жоизки, кувайтликлар жон бошига олинган даромади юқорилиги жиҳатидан дунёда энг олдинги ўринлардан бирида турадилар. Сўнгги йилларда Кувайт ялпи ички маҳсулоти ҳажми 43,7 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Кувайт иқтисоди асосан нефть саноатига таянади. Мамлакатда аниқланган нефть захираларининг ҳажми 96,5 миллиард баррель. Бу — дунёда аниқланган нефть захираларининг 10 фоизи деганидир. Кувайтда нефтьдан олинган даромадларнинг катта қисми мамлакат иқтисодини ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада оширишга сарфланиши билан бирга унинг 10 фоизи "Келгуси авлодлар жамғармаси" ҳисобига ўтказиб қўйилади ва ундан ҳозирги кунда фойдаланиш ман этилган.

зири бошчилигидаги расмий делегациянинг 1992 йил февралдаги Ўзбекистонга зиёрати бўлиб, ташриф давомида делегация аъзолари Юртбошимиз Ислам Каримов томонидан қабул қилинган эди. 1994 йил июнида "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси делегацияси Кувайтда бўлиб, икки мамлакат ўртасида ҳаво қатновини йўлга қўйиш масалаларини муҳокама қилиб қайтган. 1995 йилда Кувайт таълим вазирлиги бошчилигидаги, шунингдек, Кувайт Вақф ва Ислам ишлари вазирлиги, Кувайт Миллий мажлиси делегациялари Тошкентга ташриф буюрган. 1996 йил 31 июль-3 август кунлари Кувайт халқаро хайрия ташкилоти раҳбарининг Ўзбекистонга ташрифи давомида эса мазкур хайрия ташкилотининг Тошкентдаги бўлими очилди. 1997 йил март ойида Ўзбекистон Республикаси Миллий Олимпия қўмитаси делегацияси Кувайтда бўлди.



Ўзбекистон—Кувайт муносабатларига тўхталадиган бўлсак, мамлакатларимиз ўртасида дипломатия алоқалари 1994 йил июль ойида ўрнатилган. Лекин ўзаро ташрифлар бундан анча олдин бошланган. Икки томонлама бевосита муносабатлар тарихидаги биринчи ташриф — Кувайт Молия ва

Шу йилнинг 13-15 май кунлари Осиё Олимпия Кенгашининг президенти Аҳмад Ас-Сабоҳ Тошкентга ташриф буюриб, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовга спортни ривожлантиришдаги улкан хизматлари учун Осиё Олимпия Кенгашининг олтин медалини топширган эди. Бундан ташқари ўтган йилларда Кувайт парламенти, Кувайт Халқаро хайрия жамғармаси делегациялари она диёримизга ташриф буюрган ва ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга ҳисса қўшган.

Кувайт давлати республикамизда бўлаётган туб ўзгаришларни қувватлашга ҳам ўз молиявий улушини қўшиб келмоқда. Кувайт араб иқтисодий ривожланиш жамғармасининг Нукус ва Ургенч шаҳарларини сув билан таъминлаш лойиҳасига ажратган кредити, шунингдек, Кувайт давлати томонидан Самарқанддаги Имом Ал-Бухорий мажмуасини жиҳозлаш ишларига қўшилган молиявий ёрдамлар шулар жумласидандир.

Кувайт халқи ўз миллий кунини зўр тантана билан нишонлаётган шу кунларда биз Марказий Осиёда биринчи бўлиб диёримизда бу давлат элчихонасининг очилиши биродар икки юрт халқлари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш, ўзаро ҳамкорлик куламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлади, деган умиддамиз.

Бахтиёр ИБРОҲИМОВ

### ✓ **Мамбуом**

## ЕВРОПА "ДЕМОКРАТИЯ ПОСБОНЛАРИ"ГА ЁРДАМ

БЮОК БРИТАНИЯ. Қиролликда матбуот нашрлари ус-тама нархи учун давлат фойдасига солиқ ушлаб қолинмайди. ОАВ учун имтиёзли нархларда почта, телефон ва телеграф хизмати кўрсатилади. Бу эса давлат томонидан бериладиган молиявий ёрдамдан кўра қулайроқ иқтисодий усулдир.

НИДЕРЛАНДИЯ. 1967 йилга қадар нидерланд ОАВ имтиёзли нархдаги почта хизмати ва солиқлардан озод бўлиш имконига эга эди, холос. Шу йилдан эса давлат томонидан молиявий ёрдам ҳам кўрсатила бошлади. 1971 йили оғир молиявий аҳволдаги ОАВга ёрдам кўрсатиш мақсадида махсус ҳукумат жамғармаси тузилди. Мазкур жамғарма янги ташкил қилинаётган ОАВни техник асбоб-ускуналар ва моддий маблағ билан таъминлашда, уларнинг фаолиятини жонлантиришда катта ёрдам берган эди.

ФРАНЦИЯ. Матбуот нашрларининг баъзи солиқлардан озод этилиши, ОАВ учун махсус почта ва телефон хизмати тарифларининг ишлаб чиқилиши шу мақсад ифодасидир. Умуман, давлат томонидан ОАВ фаолиятини ривожлантириш учун ажратилаётган маблағ йилига 5 миллиард франкни ташкил этади.

НОРВЕГИЯ. Ҳафтада камида икки бор чикувчи ва ўз худудининг "иккинчи даражали" нашри бўлган газеталар эҳтиёж ҳамда талабдан келиб чиқиб, давлатдан молиявий ёрдам олиши мумкин.

ШВЕЦИЯ. Ўз худудида "иккинчи газета" саналган нашрлар рекламаси учун энг қуйи даромад солиғи белги-ланган. Давлат кўрсатаётган ёрдам аксарият газеталар йиллик капитал айланмасининг 3% ини ташкил этса-да, "Arbetet" (Социал-демократлар газетаси), "Svenska Daybadet" (Консерваторлар) каби нашрлар учун у бирдан-бир "яшаш манбаи" ҳисобланади. Умуман, мамлакат микросида ҳар йили 400-500 миллион швед крони микдоридида маблағ ОАВга ёрдам сифатида ажратилади.

ФИНЛЯНДИЯ. 1967 йили асос солинган ОАВни қўллаб-қувватловчи ташкилот журналистларнинг моддий аҳолини яхшилаш учун қатор ишлар олиб бормоқда. Финляндиялик иқтисодчилар фикрича, агар матбуот нашрлари фақат савдодан тушган маблағ асосига яшаганда эди, яъни давлатнинг молиявий ёрдами бўлмаганда эди, ҳозирда мамлакатда мавжуд газета-журналларнинг ярми ҳам "яшаб" қолмас экан.

1974 йили Европа Кенгаши Парламент Ассоциацияси ҳар бир давлат ўз худудидаги матбуот нашрлари, радио ва телеканаллар, ҳуллас, барча турдаги ОАВга молиявий ёрдам кўрсатгандагина демократия, плюрализм, сўз эркинлиги томон яна бир олға қадам ташлаш мумкинлигини эътироф этганди.

Собиржон ЁҚУБОВ

(Давоми. Боши ўтган сонда)

### ✓ **Сухтам**

# "ЧЕККАНГА НИМА ЕТСИН!"

## деганлар гафлатда

### ДУНЁДА

Канада чекишга қарши кураш бўйича дунёдаги энг фаол давлат саналади. Бу ерда сигарет кутисидида чекувчининг ички аъзолари емириляётгани манзараси даҳшатли тасвирланган.

Чекишга қарши кураш борасида Бразилия дунёда иккинчи ўринда туради. Мамлакатда айни вақтда 30 миллион кашанда истиқомат қилади. Чекишга нисбатан кескин позицияда бўлган давлат уни янада чеклашга қаттиқ бел боғлади. Буни сигарет кутисига туширилган янада таъсирлироқ манзарадан ҳам кўриш мумкин: бир тўшақда изтироб ва тушқун ҳолатда ўтирган эркек ва айёлнинг фотосурати акс этган бўлиб, сурат юқорисида катта-катта ҳарфларда "Соғлиқни сақлаш вазирлиги огоҳлантиради: чекиш жинсий заифликка олиб келади" деган ёзув ёзилган.

Шунингдек, Бразилияда сигаретни матбуот ва телевидениеда реклама қилиш тақиқланган, жамоат жойларида чекишга рухсат берилмайди.

Буюк Британия медицина ассоциацияси олимларининг фикрига кўра, чекиш бепуш-ликка олиб келаркан.

### РАҚАМ

Ер юзидида 47 фоиз эркек ва 12 фоиз аёл кашандалар. Ривожланаётган мамлакатларда кашандалар эркекларнинг 48 фоизини, аёлларнинг эса 7 фоизини, ривожланган мамлакатларда эса эркекларнинг 42 фоизи, аёлларнинг эса 24 фоизини ташкил этади.

Ҳозир кўча-кўйда нима кўп — расмий-норасмий пештахтаю дўкончалар кўп. Етмишини қоралаб қолган момо ҳам бир-икки танга топай деб картон кутини тўнкариб қўйиб сақич, pista, қуруту ерёнғоқ сотиб ўтиради. Табиийки, мўъжазгина пештахта — кутининг бир чеккасида сигаретнинг уч-тўрт хилидан ҳам беозор териб қўйилади: ҳар ким диди, чўнтагига қараб олиб кетаверади.



до юришармиди? Бироқ улар ёш болага сигарет сотганларининг нақадар аянчли оқибатларга олиб келишини билишса эди...

Кўп ҳолларда қаровсиз болалар катталарга тақдидан чекка-чеккаларда сигарет тутатиб юришади. Буни кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олиб юрганлар қанча...

Бир вақтлар дўконларда "Ўн саккиз ёшга тўлмаганларга спиртли ичимликлар ва сигарет сотилмайди" деган ёзув олиб қўйилар, сотувчилар ҳам бунга қатъий амал қилишарди. Айни пайтда тамаки ва спиртли ичимликлар бозорини ҳар қанча назоратга олган билан ҳам тартибга солиш душвор. Шундай экан, ҳеч бўлмаса ана шу маҳсулот билан савдо қиладиган дўконларга юқоридаги қонда, яъни вояга етмаганларга сигарет ва спиртли ичимликлар сотмаслик тартибини жорий қилиш керак деб ҳисоблайман.

Зеро, "Чекканга нима етсин!" деб кўкрак кериб юрган айрим оталар болаларини яширинча сигарет "чангитаётгани"дан беҳабар гафлатда қолмасинлар дейман-да, азизлар!

Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари фақатгина махсус рухсатномага эга бўлган дўконлар орқали сотилади-ку, демоқчимисиз? Гапингиз тўғрику-я, бироқ саҳармардондан ёхуд кечки пайт одам ғажум бекатларни бир айлансангиз, саволингизга ҳожат қолмасди. Ҳозир гап сигаретни қаерда сотган қонунию, қаерда сотган ноқонунийлиги ҳақида кетмайпти.

Қизиғи, ёш бола сигарет сўраб келса ҳам сотувчи амма-холалар бор — барака сотиб юбора-веришади, гап ана шу ҳақида! У ким учун олди, мабодо ўзи чекиб қўймайди — буни ўйлайдиган мард топилмайди. Бир ҳисобда сотувчи амаки-холаларнинг "мулоҳазаси" ҳам ўринлидек, имон-инсоф, катта-кичик деб ўтирган билан сав-

Руки материалларини Ҳаваскор ТАБИБ тайёрлади.

### ЮРТИМИЗДА

1998 йилдан эътиборан телевидение ва радиода соат 7.00дан 22.00гача тамаки маҳсулотлари рекламасини намойиш қилиш тақиқланади.

Асосий ўқувчилари 18 ёшдан ошмаган газета-журналларда тамаки маҳсулотларини реклама қилиш ман қилинган.

Мактаб, спорт клублари ва касалхоналардан 200 метрдан кам бўлган масофада тамаки рекламаси доскасини ўрнатишга рухсат берилмайди.

Агар иштирокчиларининг ёши 18га етмаган бўлса, спорт, маданий ва бошқа турдаги оммавий тадбирларда тамаки маҳсулотларини кенг тарғиб қилиш ва унинг номи билан ҳомийлик қилишга изн берилмайди.

Жамоат жойларида чекиш қонуан тақиқланмаган. Бироқ кишилар орасида шакланган тамойилга асосан касалхона, поликлиника, умумий транспортда кетаётганда чекилмайди. (Албатта, бу ўринда баъзан кашандалнинг фаросати панд бериб қўйиши ҳам мумкин).

### ИБРАТ

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси барча халқаро йўналиш парвозларида салонда чекишни тақиқлаган. Авиакомпания мамлакат ичкарисидаги йўналишларда, агар у 90 дақиқадан ошмаса, чекишга изн бермайди.



**Гурунг**

**Миллий кўшиқчилигимизнинг бугунги аҳволи, хусусан, кечаётган янгилашни жараёнлари ҳақида кенг жамоатчилик турли мулоҳазаларни билдиришмоқда.**  
**Ўзбекистон халқ артисти Фуломжон Ёқубовни таништиришнинг ҳожати йўқ. Ҳофизнинг бугунги режалари, мушоҳадалари билан танишинг.**

— Фуломжон ака, “кўшиқ айтсанг, юрагингни кўшиб айт”, деган ибора бор. Сизнингча, “юрак”ни кўшмасдан ҳам юраклардан жой топиш мумкинми?

— Ҳофиз куйлаган кўшиқ ўзига ёқмас, демак у юракдан куйланмаган. Билинг, юраксиз айтилган кўшиқ ҳеч қачон ҳеч кимга ёқмайди, ёқмаган ҳам. Шоир беркорга айтмагандир:

**“Чалма созингни муганний,  
Чалганинг титратмаса...”** деб.

— Ҳар бир санъаткор, у расом бўладими, кўшиқчи, актёрми, санъатга кириб келиши учун бироз машаққат чекишига тўғри келади...

— Албатта, усиз мумкин эмас. Мени муסיқага, кўшиқ куйлашга илк ҳавасим пойтахтимизнинг Кўкча даҳасидаги 40-ўрта мактабда ўқиб юрган пайтлардан, яъни мактаб давридан бошланган. Ҳатто муסיқа тўғрагида қатнашиб, рубоб чалишга қўлим келишиб қолгани, “Анджон полькаси” куйини бемалол, қийналмасдан чалганим ҳамон эсимда. Сўнг муסיқа мактаби... муסיқа билим юрти... Кейинроқ Тошкент давлат Театр ва расомлик санъати институти. 1973 йили уни тугатдим. Хуллас, кўшиққа ёшлиқдан кўнгли куйганман. Мен ўзимни ҳеч қачон кўшиқсиз тасаввур қила олмайман. Тўғрироғи, бусиз

мувозанатим бузилади.

— Бир гал чирок ўчиб қолиб, жонли ижроингизга гувоҳ бўлганман.

— Мен ўзи фонограмма-

# «КЎШИҚ АЙТСАН, ЖУШИБ АЙТИ!»



дан кўра жонли ижрони ёқтираман. Сабаби, мен ўзимда овозимда ҳеч қандай ноқулайликлар сезмайман. “Жонли”да сунъийликка йўл қўйишнинг илоҳи йўқ.

— Ҳозирги ёш санъаткорларга муносабатингиз?

— Мен ёшлар ижодига ҳеч қачон бефарқ қарамаганман. Улар орасида ҳам яхши кўшиқчилар йўқ эмас. Тожибой Шукров, Аслидин Дўстов каби ёшларнинг ижрочилик услуби ва истеъдодидан қувонаман.

— Санъаткорни сахна майдонида қандай куч узоқ ушлаб тура олади?

— Катта истеъдод, бетўхтов изланиш. Замонавий кўшиқлар. Энг кераклиси, заҳматдан қочмаслик. Биласизми, хонанда ҳар бир яратган кўшигини муҳлисга

такдим этиши шарт эмас. Фақат энг яхши, мазмунли, куй ва оҳанги мутаносиб, кўпчиликка манзур бўладиган кўшиқларни яратсагина, у сахнада узоқ қолади.

Тўғри, ҳар бир замоннинг ўз кўшиқлари, куйлари, муסיқалари бор. Шунинг учун ҳам ижодда тиним билмаган, янги-янги кўшиқлар устида кўп ишлаган ва кўшиқ-

лари юрак-юракларга етиб борган хонанда эл назарида туради.

— Мустақиллик даври кўшиқчилигига, муסיқасига устоз санъаткор сифатидаги қарашларингиз, муносабатингиз қандай?

— Мустақиллик Аллоҳнинг бизга берган улуг неъматидир. Бу ҳамма-ҳаммамизнинг тақдиримизга айланди. Мустақиллик даври кўшиқчилигига келадиган бўлсак, Фаррух Зокировнинг “Юрт ишқиде ёнаман” кўшиғи, Юлдуз Усмоновнинг “Ўзингдан қўямсин, халқим” кўшиғи санъатимизнинг ютуқлари бўлди... Ана шундай ҳур Ватан, озод юртни мадҳ этувчи кўшиқлар, аслида, халқимиз ютуғи.

Лекин ачинарли томони, айрим ёш хонандаларимиз

хориж муסיқасига сўз куйиб, кўр-кўрона ижро этишяпти. Масалан, турк муסיқасига, араб муסיқасига, ҳинд муסיқасига... ғарб муסיқаларига. Бу жиноят-ку, ахир! Куйда ўз миллати муסיқаси негизи бўлмаса — бу қанақаси?! Мен буни доим таъкидлайман. Куйлаётган кўшиғида, қайси кўшиқ жанрига кирмасин, миллийлик нафаси уфуриб турмоғи керак. Замон билан ҳам ҳамнафас бўлиши зарур. Яна қайтараман. Соф ўзбекона куй бўлиши шарт, миллий-

лик уфуриб туриши керак. Масалан, “Ялла”нинг “Ўзбекистон — Ватаним” кўшиғи она юрт ҳақидаги машҳур кўшиқлардан бири. Муסיқадаги ўзбекона миллийликка қойил қоласан. Ёки “Ялла”нинг бошқа тилларда куйлаган кўшиқларида ҳам миллийлик уфуриб туради. Миллийлик “Ялла” кўшиқларининг қон-қонига сингиб кетган.

— Қайси бастакорлар билан кўпроқ ҳамкорлик қиласиз?

— Абдуҳошим Исмоилов, эстрада йўлида Алишер Расулов, Анвар Эргашев, Дилором Омонуллаева билан мулоқотларим ва ҳамкорлигим Ватан, дўстлик, истиқлол ҳақида, хусусан, “Ватаним” каби янги-янги тароналарим яратилишига сабаб бўлди.

Бундан ташқари, “Тошкент оқшоми”, “Юрагим ёнди” каби янги кўшиқларим билан кундан-кунга репертуаримни бойитиб, чет элларга гастролларга чиқиш орзулари билан юрибман.

— Абдуҳошим Исмоилов, эстрада йўлида Алишер Расулов, Анвар Эргашев, Дилором Омонуллаева билан мулоқотларим ва ҳамкорлигим Ватан, дўстлик, истиқлол ҳақида, хусусан, “Ватаним” каби янги-янги тароналарим яратилишига сабаб бўлди.

Насриддин БОТИР суҳбатлашди

**Илҳом**

# БУ ДАРЁ

Умр — оқар дарё.

Мақол

**Бу дунё — бу соҳилдир,  
У соҳилдир — у дунё.  
Ўтаётган умр-чи —  
Тиним билмас шўх дарё.**

**У соҳилга ўтадир,  
Истамаган, истаган,  
Кема бориб етадир  
Қистамасанг, қистасанг.**

**Ўтар, кимдир ўтмоққа  
Этса агар чиндан аҳд.  
Қолмас, яйраб сузмокни  
Агар кимдир билса бахт.**

**Бу дарё — гоҳ мулоим,  
Гоҳ минар жаҳлга.  
Барчани лекин доим  
Ўтказар у соҳилга.**



Маъмур БОЗОР АЛИ

# ҚИШ ЭРТАГИ

**Ташқарида совуқ, ташқарида қиш,  
Хўб забтига олган аёз, қор-қиров.  
Ичкарида иссиқ, бунда йўқ ташвиш,  
Печкада ловуллар, рақс тушар олов.**

**Қозоннинг ишлари қайнаган бирам,  
Хизматга шай турар лагану қошиқ.  
Хушбўй хидга тўлган хонада беғам  
Мудрайди бекаси пойида мушук.**

**Безовта урилар ойнага келиб,  
Хонага сиғмасдан иссиқнинг тафти.  
Мўралаб қараркан газабга тўлиб,  
Бужмайиб кетади аёзнинг афти.**

**Силтаб ташлаб, кўзин ёшлар  
иссиқни,  
Совуқни фош этиб, боплайди роса.  
Бунисин чиқармас, киритмас уни,  
Кўзлари чакчайган ўжар дераза.**

**Масал**

# ШЕРНИНГ БОЛАСИ ҲАМ ШЕР

Кун бўйи иссиқ хонада мазза қилиб ухлаган Мушукнинг ташқарига керишиб бамайлихотир чиқиб келатганини кўрган Ит:

— Мушуквой, туни билан ором нелигини билмай, хўжайиннинг тинчилигини сақлаш учун пойлоқчилик қилиб чиқаман-у, ичганим ювинди, ғажиганим бори сидириб олинган куп-қуруқ суяк, холос. Сен эса ҳамisha эъзоздасан. Ташвишинг ҳам йўқ. Уйнинг тўрию овқатнинг зўри сенга, — дебди совуқдан қалтираб.

Мушуквой бунга бамайлихотир шундай жавоб берибди:

— Бўрилар авлодига мансуб бўлсанг ҳам итлигинча қоласан. Ахир менинг аждодларим йўлбарсу шерлар-ку! Шернинг боласи ҳам шер бўлади. Буни сен билмасанг ҳам, бошқалар унутишмаган.

# АГАР ТЎҒРИ БЎЛГАННИНГДА...

— Сен тўлиб-тошиб, шошиб оқшинг билан қирғоқларимни емириб, бағримни эзиб, азоб-укубатга кўйяпсан-ку, — деди Ўзан Сувга.

— Мени айтмайсанми, мени. Агар сен ўзинг хоҳлагандек тўғри бўлганингда мен ҳам туртиниб-суртиниб оқмас эдим. Шунда сен ҳам кундан-кунга жароҳат олавермасдинг, — дея дилидагини тўкиб солди Сув.

Асқарали МАМАТОВ

Чортоқ тумани

**Хурматли Комилжон ИСАЕВ!**  
Сизни таваллуд топган кунингиз билан самимий муборакбод этамиз! Ишингизга омад, оилангизга бахт-саодат тилаймиз.  
**Эҳтиром ила**  
Искандар, Худойберди, Алижон, Каримжон, Зафаржон Темировлар.

Шод	Безор куй	Ипқироз	Қиз бола исми	Металл
Эътибор	Жуда	Ошпаз	Зиён	Араб ҳарфи
Ҳордиқ	Жуда	Хумбуй	Сувтекин	Ташвиш
Устоз	Котиб	Мансаб	Азоб	Куркам Дарвоза-хона
Хона	Химиявий элемент	Шарқ давлати	Қишлоқ хўжалиги	Йироқ
Нигох	Муз	«Қирол...»	Мияҳам	Бирлик рақам
Ғамгин	Ғамгин	Узун дарахт	Иқозат	Тери ранги гафовути
				Патрон
				Фотодуққа ақси